

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР СХЕМАСИ

**Трендлар -
мониторинг -
Тавсиялар**



КИРИШ

1968 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Тараққиёт Конференцияси (UNCTAD) ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беришни сўради.¹ Бунга жавобан, Европа Иттифоқи 1971 йилдан бери ривожланаётган мамлакатларга Европа бозорига преференцияли киришни таъминловчи Умумлаштирилган преференциялар схемасини (GSP) қўллаб-қувватлади ва шу билан уларнинг интеграциясини ва глобал таъминот ва қиймат занжирларида иштирок этишни осонлаштирди ва савдо орқали қўшимча даромад олиш йўлини таклиф қилди.

Умумлаштирилган преференциялар схемаси (GSP) орқали Европа Иттифоқи ривожланаётган мамлакатларга савдонинг иқтисодий механизмларидан фойдаланиб иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш вазибаларида ҳамроҳ бўлишга муҳим ҳисса қўшади. Аниқроқ айтганда, GSP мақсади бу:

- ☒ заиф мамлакатлардан экспортни кенгайтириш орқали камбағалликни камайтиришга ҳисса қўшиш
- ☒ савдо орқали барқарор ривожланиш ва яхши бошқарувни илгари суриш.

GSP преференцияларни меҳнат ва барча бенефициарлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича 15 та асосий халқаро конвенциялар билан боғлаш орқали умуминсоний кадриятлар ва стандартларни илгари суради. GSP+ келишуви Европа Иттифоқи бозорига преференцияли киришни кенгайтириш орқали атроф-муҳит ва яхши бошқарув бўйича 12 та қўшимча халқаро конвенцияларга риоя қилишни жадаллаштиради. Бу GSPни сўнгги Европа Иттифоқининг Савдо сиёсати шарҳида кўрсатилган Европа Иттифоқининг савдо ва барқарор ривожланиш бўйича мажбуриятларини янада мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларга нисбатан муҳим воситага айлантиради.

Ушбу нашр Европа Иттифоқининг GSP бўйича қисқача маълумотларни, жумладан, схеманинг иқтисодий ва кадриятлар мақсадларига оид энг сўнгги тенденциялар ва тушунчаларни жамлаган. Бу Европа Иттифоқи ва GSP бенефициар мамлакатларидаги тармоқларнинг манфаатдор томонлари, фуқаролик жамияти, касаба уюшмалари ва давлат органлари учун GSP таклиф қиладиган имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида хабардорликни оширишга қаратилган.


¹ <https://unctad.org/topic/trade-agreements/generalized-system-of-preferences>

ЕИ GSP ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШИНГИЗ КЕРАК

1. ТАРТИБЛАР

Турли хил тартибларнинг қандай турлари мавжуд?

Жорий GSP бенефициар давлатнинг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, Европа Иттифоқи импортига тариф линиясини уч даражали камайитишни таклиф қилади. Стандарт GSP тартибига кўра, имтиёзли бенефициарлар Европа Иттифоқида импорт қилинадиган тариф линияларининг 66% га бож чегирмаларини оладилар. Иккинчи тартибда, барқарор ривожланиш ва яхши бошқарув учун махсус рағбатлантириш тартиби (GSP+) ривожланаётган мамлакатлар учун қўшимча имтиёзларни таклиф қилади. Бу тартиб 27 та асосий инсон ҳуқуқлари, меҳнат, бошқарув ва иқлим ва экологик конвенциялар амалга оширилишига боғлиқ ҳолда тариф линияларининг 66 фоизи бўйича божларни олиб ташлайди, шу жумладан нозик товарлар учун тўловларни тўлиқ тўхтатиб туради. Ниҳоят, Қуроллардан бошқа ҳамма нарса (ЕВА) келишуви энг кам ривожланган мамлакатлардан импорт қилинадиган қурол ва ўқдорилардан бўлак барча товарлар учун божсиз ва квотасиз киришни таъминлайди.



	Стандарт GSP	GSP+	EBA
БЕНЕФИЦИАРЛАР	– паст ёки ўртачадан паст даромадли мамлакатлар (Жаҳон банки томонидан таснифланганидек) – ЕИ билан бошқа савдо шартномаси мавжуд эмас	чекланган экспорт диверсификациясига ва барча GSP бенефициари бўлган мамлакатлар жами импортининг паст улушига эга заиф ривожланаётган мамлакатлар	Энг кам ривожланган мамлакатлар (БМТ томонидан Таснифига кўра)
ИМТИЁЗЛАР	– нозик, бўлмаган товарлар учун тарифларни тўлиқ олиб ташлаш тариф линияларининг 26%га амал қилади – нозик, товарлар учун пасайтирилган тарифлар (30% махсус божлар, 3,5% адвалорли божлар учун), тариф линияларининг тахминан 40%га	– тариф линияларининг 66% учун тарифларни тўлиқ олиб ташлаш	курол ва ўқ-дорилардан бўлак барча маҳсулотлар учун божсиз ва квотасиз кириш имконияти
МАХСУС МАЖБУРИЯТЛАР		– ЕИнинг мониторинг мулоқотида фаол иштирок этиш мажбуриятлари билан 27 халқаро конвенцияни ратификация қилиш	

2. БЕНЕФИЦИАРЛАР

Қайси давлатлар бу схемадан фойда кўради?

GSP даромади паст ва қуйи ўртадан Европа Иттифоқи бозорига бошқа преференцияли кириш ҳуқуқидан фойдаланмайдиган мамлакатларга мўлжалланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) таснифига кўра энг кам ривожланган мамлакатларга автоматик равишда «Қуролдан бошқа ҳамма нарса» тартибининг имтиёзлари берилади, ҳатто уларда бошқа тартиблар аллақачон мавжуд бўлса ҳам. Ҳозиргача Европа Иттифоқининг GSP схемасидан Осиё, Африка, Тинч океани ва Жанубий Америкадан 67 мамлакат фойдаланади. 2012

йилги GSP ислохоти бенефициар мамлакатлар сонини сезиларли даражада камайтирди, шунинг учун энг муҳтож бўлганлар схемадан фойдаланишлари

GSP имтиёзлари қанча давом этади?

Стандарт GSP ёки GSP+ бенефициар мамлакати Европа Иттифоқи билан бошқа преференцияли шартномаларга кирган тақдирда ёки мамлакат кетма-кет уч йил давомида Жаҳон банки томонидан юқори ёки юқори ўртача даромадли мамлакат деб таснифланган ҳолда преференцияли бозорга киришдан фойдаланиши тўхтатилиди.²

ЕВА бенефициарлари улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган “Энг кам ривожланган давлат” тоифасидан чиққанидан кейин уч йил ўтгач

тартибдан фойдаланишни тўхтатадилар. Бу мамлакатлар ЕВАдан чиққанларидан кейин ҳам.³



GSP+ – 9 нафар бенефициар

Арманистон*	Филиппин
Боливия	Шри Ланка
Кабо Верде	Ўзбекистон
Қирғизистон	
Монголия	
Покистон	

Стандарт GSP – 11 нафар бенефициар

Конго (Респ.)	Нигерия
Кук ороллари	Ниуэ
Ҳиндистон	Сурия
Индонезия	Тожикистон
Кения	Вьетнам*
Микронезия	Эрон (қўшилади)

² GSP регламенти (<https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX:02012R0978-20170101&from=EN>), II-боб, 4.1-моддага қаранг

³ GSP регламенти, IV боб, 17.2-моддага қаранг

ЕВА – 47 нафар бенефициар

Афғонистон	Конго (ДРК)	Малави	Сомали
Ангола	Джибути	Мали	Жанубий Судан
Бангладеш	Эритрея	Мавритания	Судан
Бенин	Эфиопия	Мозамбик	Танзания
Бутан	Гамбия	Мьянма	Тимор-Лесте
Буркина Фасо	Гвинея	Непал	Того
Бурунди	Гвинея-Бисау	Нигер	Тувалу
Камбоджа (преференциялар қисман бекор қилинган)	Гаити	Руанда	Уганда
Марказий Африка респ.	Кирибати	Сан Томе & Принсипе	Вануату*
Чад	Лаос ХДР	Сенегал	Йаман
Коморос	Лесото	Сьерра Леоне	Замбия
	Либерия	Соломон ороллари	
	Мадагаскар		

* Арманистон 12/2021 йилда GSP рўйхатдан чиқарилди, Ветнам 12/2022 да стандарт GSPдан чиқади, Вануату 12/2020 йилда ЭКРМ тоифасидан чиқди

3. МАҲСУЛОТЛАР**GSP преференциялари учун қандай маҳсулотлар мос келади?**

Стандарт GSP ва GSP+ доирасида тариф линияларининг тахминан 66%, жами 6000 дан ортиқ маҳсулотларга преференциялар берилади. Стандарт GSP учун маҳсулотлар нозик, ва нозик, бўлмаганларга

таснифланади. Нозик, бўлмаган маҳсулотлар Европа Иттифоқи бозорига божсиз кириш ҳуқуқига эга бўлиб, нозик, маҳсулотларга бож тўловлари чегирмалари берилади. ⁴ ЭБА курул ва ўқ-дорилардан бўлак барча маҳсулотларга божсиз ва квотасиз киришни таъминлайди ва 9000 дан ортиқ тариф линияларини қамраб олади. ⁵

GSP доирасидаги маҳсулотларнинг қамрови жуда кенг. GSP тарифлари ва нолга тенг энг қулай савдо-сотиқ тартиби (MFN) божлари биргаликда барча тариф линияларининг 90% дан ортиғини қамраб олади. GSPга кирмаган маҳсулотларга асосан қишлоқ хўжалиги товарлари киради.

Қандай қилиб айрим маҳсулотлар GSP мувофиқлигидан олиб ташланади?

GSP доирасида сотиладиган халқаро рақобатбардош маҳсулотлар преференцияли бозорга киришдан фойдаланишни тўхтатади. Бу преференциялар энг муҳтож мамлакатлар ва маҳсулотларга берилишини таъминлайди ва GSP бенефициарлари ўртасидаги рақобат босимининг олдини олади. Ушбу механизм маҳсулот чиқарилиши деб аталади.

Маҳсулот бўлимлари барча GSP бенефициарларидан Европа Иттифоқи импортининг ўртача 57% чегарасидан кетма-кет уч йил давомида ошганда чиқарилади (Тўқимачилик: 47,2%, Ўсимликлар/ёғлар: 17,5%). Чиқарилган маҳсулот бўлимлари рўйхати ҳар уч йилда бир марта Европа Иттифоқи томонидан кўриб чиқилади. Амалдаги низомга кўра, бу чиқарилиш механизми фақат стандарт GSP бенефициарлари учун амал қилади, чунки ЕБА ва GSP+бенефициар мамлакатлари камроқ диверсификацияланган экспорт базалари туфайли кўпроқ заиф ҳисобланади.

Ҳимоя механизми нима?

Агар муаян маҳсулот Европа ишлаб чиқарувчиларига жиддий иқтисодий қийинчиликларни олиб келадиган ҳажмларда ва/ёки нархларда импорт қилинса GSP регламенти унга тарифларни қайта жорий этишга имкон беради. Европа Комиссияси ҳимоя чораларини мустақил равишда ёки Европа Иттифоқи аъзо давлатлар, юридик шахслар ёки ҳар қандай уюшмалар мурожаати билан бошлаб қўйиши мумкин. Тарифларни қайта киритишдан олдин, Европа Комиссияси бозор улуши, ишлаб чиқариш қуввати, бандлик ва бенефициар давлат томонидан қувватлардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, Европа Иттифоқи ишлаб чиқарувчиларига таъсирни ўрганади.

Бундан ташқари, Европа Комиссияси ҳар йили тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик тармоқларида GSP импортининг ривожланишини ўрганади. Тариф преференциялари маълум бир бенефициар давлатдан импорт миқдори (ҳажми бўйича) 13,5% дан кўпроққа ошган ёки махсус чиқариш чегарасидан ошган бўлса олиб ташланиши мумкин. Ушбу махсус ҳимоя механизми ЕБА бенефициарлари ёки жами GSP бўйича ЕИ импортларидаги улуши 6% дан кам бўлган мамлакатларга тааллуқли эмас.

⁴ GSP регламенти, II-боб, 7-моддага қаранг

⁵ GSP регламенти, IV-боб, 18.1-моддага қаранг 6 GSP регламенти, II-боб, 8-моддага қаранг

4. ТАРТИБ

Тартиб қандай ишлайди? GSPдан фойдаланиш учун қандай қадамлар қўйилиши керак?

GSP бир томонлама схема бўлиб, преференциялар ўзаро бўлмаган асосда тақдим этилади. Мақоми юқори ўртача даромад мамлакатларидан паст бўлган мамлакатларга автоматик равишда стандарт GSP бенефициар мақоми берилади ва ЭКРМ автоматик равишда ЕБАга киритилади. Аксинча, GSP+га мамлакатлар расмий равишда мурожаат қилишлари керак. Илова Европа Комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва Европа Парламенти ва Кенгаш томонидан қарор қабул қилинади ⁷.

GSP бўйича келиб чиқиш қоидалари қандай ишлайди?

Агар маҳсулот GSP бенефициар мамлакатидан "тўлиқ олинган" ёки импорт қилинган материаллардан "етарлича" ишланган ёки қайта ишланган бўлса GSP бенефициар мамлакатида ишлаб чиқарилган ҳисобланади. Агар маҳсулот импорт қилинган материаллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган бўлса, маҳсулотга хос мезонлар келиб чиқиш қоидаларига риоя қилиш учун зарур бўлган қайта ишлаш даражасини белгилайди. Корхоналар "ЕИ Access2Markets" маълумотлар базасидан фойдаланишлари мумкин, бу тарифлар, келиб чиқиш қоидалари Европа Иттифоқи бозорига кириш учун қўлланилади ⁸.



5. ҚАДРИЯТЛАР

GSP халқаро қадриятлар ва стандартлар билан қандай боғланган?

GSP барча GSP бенефициарларидан БМТ ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) тегишли асосий конвенцияларида қайд этилганидек, асосий инсон ва меҳнат ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб қилиш орқали барқарор ривожланишни тарғиб қилиш учун комплекс ёндашувни қўллайдди. GSP+ да янада қатъий талаблар мавжуд, унда бенефициар мамлакатлардан GSP+ билан боғлиқ 27 та халқаро конвенцияни (7 та – инсон ҳуқуқлари, 8 та – меҳнат стандартлари, 8 та – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, 4 та – самарали давлат бошқаруви соҳасида) қўшимча ратификация қилиш ва самарали амалга ошириш талаб қилинади.

Асосий халқаро қадриятларга риоя қилиш қандай назорат қилинади?

Европа Иттифоқи GSP бенефициарлари билан мониторинг ҳаракатларини амалга оширади ва қоидаларда қамраб олинган 27 та халқаро конвенциянинг самарали амалга оширилишини рағбатлантиради. Бу мониторинг бенефициар мамлакатлар органлари, шунингдек, бошқа манфаатдор томонлар, жумладан,

халқаро институтлар ва фуқаролик жамияти билан доимий мулоқот ва ахборот алмашишни ўз ичига олади.

«Кенгайтирилган иштирок» нимани англатади?

Европа Иттифоқи учта ЕВА бенефициар мамлакатлари – Бангладеш, Камбоджа ва Мьянма билан асосий инсон ва меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича доимий ташвишларни мунтазам равишда ҳал қилиш учун ҳамкорликни фаоллаштирди.

Европа Иттифоқи бенефициарларни инсон ва меҳнат ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга оширишда қандай қўллаб-қувватлайди?

GSP+ мониторинги томонидан тақдим этилган қўллаб-қувватлаш бир қатор салоҳиятни ошириш лойиҳалари кўпинча БМТ ва ХМТ каби халқаро мониторинг органлар билан яқин ҳамкорликда тўлдирилди, аммо, маҳаллий ҳокимият ва фуқаролик жамияти билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилди.

Агар GSP бенефициари ўз мажбуриятларини бажармаса нима бўлади?

⁶ GSP регламенти, VI-бобга қаранг

⁷ GSP регламенти (<https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX:02012R0978-20170101&from=EN>), III-боб, 10-моддага қаранг

⁸ GSP қоидалари, VII-боб, 33-моддага қаранг

GSP қоидалари амал қилиш муддати ўн йилни ташкил этади, шунинг учун халқаро барқарорлик стандартлари билан боғлиқ тараққиётнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олади. Мониторинг жараёни давлатларни халқаро конвенцияларни амалга оширишда сезиларли ютуқларга эришадиган тузилмаларни яратишда қўллаб-қувватлашга қаратилган. Агар Комиссияда бенефициар давлат ўз ҳисобот бериш мажбуриятларини бажаришида, ҳамкорлик қилишида ёки қамраб олинган конвенцияларни ратификация қилиш


ва самарали амалга ошириш учун саъй-ҳаракатлар кўрсатишида асосли шубҳа бўлса Комиссия суриштирувни бошлаши мумкин.⁹ Бу преференциялар вақтинчалик бекор қилинишига олиб келиши мумкин. 2020 йил 12 февралда Европа Комиссияси инсон ҳуқуқларининг доимий ва мунтазам равишда бузилиши кузатилганлиги сабабли Камбоджадан преференцияларнинг бир қисмини вақтинча олиб ташлашга қарор қилди.

6. GSP+ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

2021 йилнинг 10 апрель кунда Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кирди.

GSP имтиёзнинг кейинги 2 йил давомида амал қилишини инобатга олган ҳолда, ундан максимал даражада фойдаланиб қолиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Европа Иттифоқи 450 млн кишидан кўпроқ аҳолига эга бўлиб ¹⁰, ЯИМ (17,1 триллион АҚШ доллари ¹¹) бўйича дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради. Шубҳасиз, бундай йирик бозорга преференциялар имтиёз асосида кириш мамлакатнинг нафақат иқтисодий балки барча соҳалар бўйича ривожланишига туртки



⁹ GSP қоидалари, III-боб, 15-моддага қаранг



беради.

Ўзбекистонда "GSP+" доирасидаги имтиёзлардан фойдаланиш даражаси ҳозирги кунда 87 % ташкил қилади. Қисқартирилган имтиёзлардан фойдаланаётган маҳсулот сегментлари асосан тўқимачилик ва кийим-кечак, пластмасса маҳсулотлари, шунингдек, мевалар, ёнғоқ ва сабзавотлардир.

Хусусан, ушбу товар позициялари қаторида республиканинг асосий экспорт салоҳиятига эга бўлган кенг турдаги текстиль маҳсулотлари, оёқ кийими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, нефт ва кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, керамика ва металл маҳсулотлари ҳамда технологик ускуналар божхона божи тўлашдан озод этилган.

Агар яққол мисоллар келтирадиган бўлсак, "GSP+" тизими доирасида стандарт "GSP" тизимидан фарқли ўлароқ олма ва помидор шарбатларига нисбатан – 13,3 – 25,5 %, шафтоли ва ўрик – 14,1 – 16,5 %, музлатилган сабзавотлар (картошка, олипка, помидор ва бошқалар) – 10,9 %, юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари – 15,4 %, оёқ кийим маҳсулотлари – 11,9 %, консерваланган сабзавотлар – 14,1 %, балиқ гўшти ва филеси – 14,5 %, мева шарбатлари – 14,5 %,

¹⁰ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

¹¹ <https://take-profit.org/statistics/gdp/european-union>

¹² <https://mift.uz/uz/menu/gsp>

¹³ <https://www.gazeta.uz/ru/2021/04/12/gsp/>

болалар кийим-кечаклари – 8,4 % ва футболкалар – 9,6 % миқдоридаги божхона божлари бекор қилинган ¹².

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотларига кўра Европа Иттифоқи бозорининг ҳажми тўқимачилик саноатида 98 млрд долларни (органик ва ноорганик толалар), чарм-поябзал саноатида 24 млрд долларни, қишлоқ хўжалигида эса 24 млрд долларни ташкил этади ¹³.

Республикамиз экспортёрлари учун Европа бозорларида рақобатлаша оладиган истиқболли йўналиш сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва тўқимачилик маҳсулотларини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Ўрганишлар натижасига кўра, Европа Иттифоқи давлатларига 2019 йилда 26,02 млн АҚШ долларларидаги товарлар экспорт қилинган бўлса, 2020 йилда экспорт ҳажми кескин камайиб 18,4 млн АҚШ долларини (1,4 баробарга камайган) ташкил этган.

Шу билан бирга, мазкур кўрсаткич 2021 йилда 31,7 млн АҚШ долларига (ўтган йилга нисбатан 1,7 баробарга кўп), 2022 йилнинг январь-июль ойларида 16,8 млн АҚШ долларига (2021 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп) етган.

Ушбу йўналишда кузатилаётган тенденцияларда GSP+ тизимининг ижобий таъсирини кўришимиз мумкин.

Жорий йилда, асосан, майиз, қуритилган мева ва сабзавотлар,

каперси, ёнғоқ, қовун қалампир, ловия, кўкатлар, бодом, ер ёнғоқ, музлатилган мевалар, гилос, кўк пиёз, қарам, нўхот, мош, саримсоқпиёз, тарвуз каби маҳсулотлар экспорт қилинган бўлиб, 2021 йилга нисбатан бодом, қалампир, қовун, гилос, пиёз, қарам каби маҳсулотларнинг экспорт ҳажми камайган бўлса, майиз, қуритилган мева ва сабзавотлар, каперси, ёнғоқ, кўкат, музлатилган мевалар экспорти ҳажми ортган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Европа фуқаролари ўз соғликларига юқори даражада эътибор қаратишади. Шу боис, импортёрлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши жараёнида қандай ўғитлар, кимёвий қўшимчалар ишлатилганлиги ва ушбу жараёндаги барча маълумотларни (сувнинг қанчалик минераллашганлиги ва тупроқ таркиби тўғрисида) талаб этишади.

Маълумот учун: 2021 йил январь-сентябрь ойларида ЕИга импорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий қиймати 94,2 млрд долларни ташкил этган бўлиб, АҚШ, Бразилия ва Украина асосий экспортёр мамлакатлар ҳисобланишган.

Европага импорт қилинадиган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – какао, қаҳва, чой, зираворлар, соя, пахта, мавсумий бўлмаган мева ва сабзавотлар ҳисобланади.

Тўқимачилик маҳсулотлари бўйича

2022 йилнинг дастлабки беш ойида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар

айирбошлаш ҳажми 22 %га, Ўзбекистондан Европа Иттифоқиға экспорт ҳажми эса 86 %га ўсди. Энг катта ўсишни кўрсатган маҳсулот тоифалари орасида кимё маҳсулотлари (6 баробар ўсиш), тўқимачилик (90 % ўсиш) ва озиқ-овқат маҳсулотлари (65 % ўсиш) асосий ўринни эгаллаган ¹⁴.

Маълумотларга кўра 2020 йилда Европа Иттифоқиға энг кўп импорт қилинган товарлар таркиби ичида кўлда ёки машинада тўқилган трикотаждан ташқари кийим-кечак буюмлари ва аксессуарлари импорти 10-ўринда бўлиб, 40 млрд АҚШ долларини (жамига нисбатан 2,06 %) ташкил этган ¹⁵.

Пахта етиштириш бўйича 6-ўринни эгалловчи Ўзбекистон пахта экспорти бўйича 3-ўринда туради. Аммо, республикада кейинги йилларда пахта хом ашёси экспорти қисқармоқда, юқори қўшимча қийматли маҳсулот экспортига урғу берилмоқда ¹⁶.

Хусусан, 2021 йилда Ўзбекистон 1 млн тонна пахта толасини қайта ишлади ва 3 млрд долларлик то'қимачилик маҳсулотларини экспорт қилди ¹⁷.

Муқаддам, Европа Иттифоқида Ўзбекистондан экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари учун божхона ставкалари 4 – 12 % гачани ташкил этган бўлса, GPS+ доирасида экспортёрлар ҳеч қандай божларсиз экспорт қилиш

имкониётини қўлга киритдилар.

“Ўзтўқимачиликсаноат” хабарига кўра Европа Иттифоқи давлатларига экспорт ҳажмини 2022 йилда 242,2 млн АҚШ долларига, 2025 йилда эса, 1,2 млрд АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган ¹⁸.

Тўқимачилик экспортини оширишнинг муҳим омилларидан бири GSP+ тизими ҳисобланиб, унда ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари бошқа тўқимачилик мамлакатлари билан жиддий рақобатлаша олади.

Бунинг учун эса, хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар ўрнига тайёр маҳсулотлар экспортига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Шу билан бирга, тўқимачилик саноатида фаолият олиб борувчи экспортёрлар томонидан Европа Иттифоқининг H&M, ZARA, Pimkie, Fred Perry, PULL&BEAR, Bershka, Stradivarius, Mango сингари брендлари билан ҳамкорлик қилиш орқали буюртма олиш ва ушбу маҳсулотларни Европа Иттифоқиға экспорт қилиш мумкин. Бу эса, тўқимачилик саноатида Европа Иттифоқи стандартларини кенг жорий этиш имконини беради.

Ўзбекистон тўғридан-тўғри сув йўллариға чиқиш имконияти бўлмаган мамлакат ҳисобланади, бу ўз навбатида транспорт харажатларининг юқорилиғига сабаб бўлади. Ушбу тўсиқларни

¹⁴ <https://kun.uz/ru/news/2022/07/08/obyem-eksporta-uzbekskoy-produksii-v-yevropu-uvlechilsyana-86>

¹⁵ <https://trendeconomy.ru/data/h2/EuropeanUnion/TOTAL>

¹⁶ <https://invest.gov.uz/uz/investor/textile/>

¹⁷ <https://oz.sputniknews-uz.com/20220422/ozbekiston-toqimachilik-mahsulotlari-eksportini-oshirmoqda-24141303.html>

¹⁸ <https://www.gazeta.uz/ru/2021/04/12/gsp/>

ҳисобга олган ҳолда, бошқа давлатларининг экспорт харажатларининг пастлиги бизни товарлардан афзал ҳисобланар эди.

Ўзбекистон товарлари импорти учун божхона тўловларининг олиб ташланиши юқори транспорт харажатларини қоплашга имкон беради ва шу билан Европа Иттифоқи бозорларида маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини оширади.

Халқаро савдо марказининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси калава ип экспорт қилувчи 113 та давлатлар орасида Ҳиндистон, Вьетнам ва Хитой давлатларидан сўнг 4 ўринни эгаллаб келмоқда (2020 йил ҳолатига) ¹⁹.

Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (ТИФ ТНнинг 60-63 гуруҳлари) экспорт бўйича эса, дунёда 154 та давлатлар ичида 55 ўринни эгалламоқда.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тайёр тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан уни тайёрлашга сарфланадиган хом ашё экспорти бўйича республикамиз дунёда етакчилик қилмоқда.

Жумладан, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 2021 йил давомида 1,4 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 38 % ёки 387 млн АҚШ долларига ошган (2020 йилда 1 млрд АҚШ доллари).

Тўқимачилик маҳсулотлари импорти 2021 йил давомида 468 млн АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 31 % ёки 111 млн АҚШ долларига ошди (2020 йилда 357 млн АҚШ доллари).

Дунё мамлакатларининг тўқимачилик маҳсулоти экспорти ўрганилганда, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорти калава ип экспортдан 43 баробар кўплиги ҳамда калава ип маҳсулотлари экспорти умумий тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг атиги 2,3%ни ташкил этишини кўриш мумкин.

Жумладан, 2020 йилда

– Бангладешда 38 млрд АҚШ доллари қийматидаги тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ва 16 млн АҚШ долларидagi калава ип экспорт қилинган. Бунда, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорти калава ип экспортга нисбатан 2 352 баробарга ортиқ бўлиб, калава ип экспорти умумий тўқимачилик маҳсулоти экспортининг атиги 0,04 %ни ташкил этган;

– Хитойда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари – 216 млрд АҚШ доллари, калава ип – 1,1 млрд АҚШ доллари ёки тайёр маҳсулотлар экспорти хом ашё экспортига нисбатан 204 баробарга ортиқ. Калава ип экспорти умумий тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 0,5%ни ташкил этган;

– Туркияда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари – 19 млрд АҚШ доллари, калава ип – 470 млн АҚШ

¹⁹ www.trademap.org

доллар ёки тайёр маҳсулотлар экспорти хом ашё экспортига нисбатан 41 баробарга ортиқ. Калава ип экспорти умумий тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 2,4 %ни ташкил этган ²⁰.


Бироқ, биргина Европа Иттифоқи мамлакатимиздан бу каби товарлар экспорти таҳлил қилинганда 2021 йилда калава ип (70,5 млн АҚШ доллари) тайёр тўқимачилик маҳсулотларига (39,8 млн АҚШ доллари) нисбатан 77 %га кўплиги ва калава ип экспорти умумий тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 64 %ни ташкил

этганлигини кўриш мумкин.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бугунги кунда, 1 кг пахта толасининг экспорт қиймати 1,5 АҚШ долларини, ундан тайёрланган калава ип 2,5 – 3 АҚШ долларини, матога айлантирилса 5 – 7 АҚШ долларини ва ушбу матодан тайёрланган кийим-кечаклар 15 – 25 АҚШ долларни ташкил этиб қўшимча қиймат ҳосил бўлади ²¹.



**1,15 кг пахта
толеси 1,5 долл**



**1 кг калава ип
2,5-3 долл**



**5 метр мато
5-7 долл**



**3-5 та кийим кечак
15-25 долл**

²⁰ <https://www.trademap.org/Index.aspx>

²¹ <https://xs.uz/uzkr/post/klasterlar-qisqa-vaqtda-katta-ozgarishlarga-zamin-yaratdi>

Шунингдек, 1 кг калава ип олиш учун 1,15 кг пахта толаси қайта ишланади. Шунча калава ипдан 5 м газлама ёки 0,93 кг трикотаж мато тўқилади. Ўз навбатида, трикотаж матонинг ҳар бир килограммидан ўртача 3–5 та тайёр кийим тикиш мумкин.

Бундан ташқари, дунё миқёсида 2020 йил давомида

200 дан ортиқ давлатлар томонидан жами 543 млрд АҚШ долларига тенг тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (ТИФ ТНнинг 60–63 гуруҳлари) импорт қилинганлиги маълум бўлди.

Хорижий давлатларда импорт қилинган тўқимачилик маҳсулотларида Ўзбекистон товарларининг улуши 0,2 % ёки 1 млрд АҚШ долларини ташкил этган холос.

Тайёр тўқимачилик маҳсулотларини асосий импорт қилувчи давлатлар ва ундаги Ўзбекистон товарлари улушини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

№	Давлат	Тайёр тўқимачилик маҳсулоти импорти	Ўзбекистондан экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулоти	Улуши
	Жами	542 715,1	1 018,6	0,19%
1	АҚШ	103 299,2	0,8	0,00%
2	Германия	47 633,4	5,5	0,01%
3	Япония	31 570,7	0,0	0,00%
4	Франция	30 418,7	0,1	0,00%
5	Бирлашган Қироллик	30 290,4	0,2	0,00%
6	Испания	19 908,2	0,1	0,00%
7	Италия	19 454,3	9,7	0,05%
8	Нидерландия	16 527,0	0,0	0,00%
9	Канада	12 270,0	0,0	0,00%
10	Польша	12 048,2	19,8	0,16%
11	Корея	10 742,1	3,8	0,04%
12	Хитой	10 709,3	37,1	0,35%
13	Бельгия	10 480,0	0,7	0,01%
14	Гонконг	9 209,6	0,0	0,00%
15	Швейцария	9 202,9	0,0	0,00%
16	Австралия	9 105,0	0,0	0,00%
17	Россия	8 705,0	479,5	5,51%
18	Австрия	7 684,3	0,0	0,00%
19	БАА	6 222,6	1,7	0,03%
20	Вьетнам	5 870,7	7,6	0,13%

Дунёда тайёр тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилувчи дастлабки 20 талик давлатлар ичида фақатгина Россия давлати импортнинг 5,5 % улуши Ўзбекистон маҳсулотларига тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткич қолган давлатларнинг импортида 0,5 %ни ҳам ташкил этмаслигини кўриш мумкин. Хусусан, Европа Иттифоқининг тайёр тўқимачилик маҳсулотларини энг кўп импорт қилувчи 9 та давлатлари бўйича ҳам мазкур кўрсаткич жуда паст даражада.

Ушбу таҳлил ва юқоридаги ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, 2022 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган калава ип экспорти ўрнига, қайта ишлаш натижасида юқори қўшилган қийматига эга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинганида, мамлакатимизга қўшимча 1 – 3 млрд АҚШ долларигача валюта маблағлари келиб тушишига эришиш мумкин бўлар эди.



7. GSP+ ИМКОНиятларидан Фойдаланишдаги Муаммолар

Ўн йиллар давомида илмий тадқиқотлар ва хизматлар тақдим этилишининг етарлича молиялаштирилмаслиги ҳамда секторни ривожлантириш учун зарур бўлган хизматларни етарлича кўрсатилмаганлиги учун ушбу йўналишда кўплаб муаммолар йиғилиб қолган. Хусусан,

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, ишлов бериш, қайта ишлаш ва сотиш тизими ҳозирги давр талабига жавоб бермайди, айрим ҳолларда улар барча ҳудудларни қамраб олмаган.

Жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати маълумотига кўра 2021 йилда 22 млн тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 106,1 % ташкил этди. Жумладан, 11,6 млн тонна сабзавотлар, 3,3 млн тонна картошка, 2,3 млн тонна полиз, 3 млн тонна мева, 1,8 млн тонна узум, шунингдек, 7,9 млн тонна дон ва дуккакли дон экинлари, қарийб

3,4 млн тонна пахта хомашёси етиштирилди ²².

Ҳозирда, Ўзбекистонда умумий сиғими 991,3 минг тонна бўлган жами 1 832 та совиткичли омбор мавжуд бўлиб, бу жами мева-сабзавотларнинг бор-йўғи 4,5 %ни сақлаш имкониятини беради ²³.

Маҳсулотлар маркетингида ҳануз камчиликлар бор. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, асосан, Россия ва Хитой бозорларига боғланиб қолишган ва бошқа бозордан харидор қидириш имкониятидан етарлича фойдаланилмаган.

Жумладан, ўтган бир йилда Европа мамлакатларига экспорт қилинадиган маҳсулот турлари атиги 643 тани, тадбиркорлар сони эса 579 тани ташкил этган холос.

Шу билан бирга, мавжуд маълумотлар таҳлили 2022 йилда Греция, Дания, Кипр, Люксембург,

²² <https://www.agro.uz/ru/21-0000/>

²³ <https://daryo.uz/k/2022/07/28/ozbekistonda-sovitkichli-omborlar-asosiy-maqсад-qoidalar-sharoitlar/>

Мальта, Швеция Португалия, Финляндия давлатларига экспорт амалга оширилмаганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, GSP+ тизими кучга кирганидан сўнг 2022 йилнинг дастлабки 7 ойида Германия, Франция, Италия, Эстония, Венгрия, Словакия каби давлатларга маҳсулотлар экспорт ҳажми тушиши кузатилган.

Маҳсулот сифатини аниқлаб берадиган лабораторияларнинг деярли йўқлиги ва мазкур йўналишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши йўлга қўйилмаганлиги Европа Иттифоқи давлатларига амалга ошириладиган экспорт ҳажмига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, қурилган мевани экспорт қилиш учун 27 хил турдаги таҳлил қилинадиган лаборатория талаб этилади. Бироқ, Ўзбекистонда бирорта ҳам бундай лаборатория йўқлиги, тўқимачилик маҳсулотларини Европа бозорига олиб кириш учун зарур бўлган 61 та лаборатория таҳлилининг 16 таси йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлди.

Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўйилган талабларга кўра улар ISO 9001, ISO 13485, ISO 22000, GLOBAL G.A.P., Global Aquaculture Alliance, ORGANIC, GRMS, SQF 2000, ISO 14001, OHSAS 18001, GMP, ISO 22716, ISO 14971 каби стандартларга мос бўлиши керак.

Европа бозорига маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда ушбу маҳсулотларнинг Европа Иттифоқи томонидан ўрнатилган техник, санитар, фитосанитар талабларга ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш талаб этилади.

Таҳлил натижаларига кўра, ҳозирги кунда, Европа Иттифоқида кириб келадиган 30 тадан ортиқ маҳсулот турларига нисбатан техник тартибга солиш ва товарларни маркировкалаш тартибларини кўзда тутувчи уйғунлашган стандартлар (директивалар) ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган ²⁴.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юклаш жараёнларига ҳам етарлича эътибор қаратилмаслиги натижасида (конвейр асосида юклаш) товарлар юклаш жараёнининг ўзида сифатсиз ҳолга келиб қолиш ҳолатлари мавжуд.

Мазкур масалада ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, GSP+ доирасида Европа Иттифоқи давлатларига имтиёзли тарзда экспорт қилишда тарғибот-ташвиқот ишлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги сабабли фойдаланиш кўрсаткичи паст эканлиги маълум бўлди.

Хусусан, расмийлаштирилган БЮДларни кўрадиган бўлсак экспортёрлар товарлар учун келиб чиқиш сертификатини олмасдан, GSP+ имтиёзидан фойдаланмаётганлигини кўришимиз

²⁴ <https://mift.uz/uz/menu/gsp>

мумкин. Бунинг сабаби ўрганилганда экспортёрлар ушбу тизимдан хабардор эмасликлари маълум бўлди.

Масалан, 2021 йилда 4 432 та юк декларацияси (жамига нисбатан 60 %) бўйича 9 265 та товарлар (жамига нисбатан 69 %) Европа Иттифоқига товарнинг келиб чиқиш сертификатсиз экспорт қилинган.

Имтиёзли бож ставкаларига эга бўлиш учун Европа Иттифоқининг GSP+нинг бенефициар мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга бўлиши керак (10 ой давомида амал қилади).

Келиб чиқиш ҳужжатлари қуйидагилардан бири бўлиши мумкин:

- келиб чиқиш сертификати (А шакли)
- бенефициар давлатнинг ваколатли органлари томонидан берилади. Сертификат экспорт амалга оширилган (ёки таъминланган) захоти экспортёрга тақдим этилиши керак. Шунга қарамай, истисно тариқасида, сертификат баъзи шароитларда экспорт қилинганидан кейин амалга оширилиши мумкин;
- экспортчи томонидан тузилган ҳисоб-фактура декларацияси – қиймати 6 000 евро ёки ундан кам бўлган консигнациялар учун ²⁵.

Айрим ҳолларда, тадбиркорлар юklarини Европага олиб борганидан сўнгина бу каби

талаблар мавжудлиги ҳақида хабар топишмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлар билан мулоқотда кичик ишлаб чиқарувчилар Европа Иттифоқи бозоридаги товарлар нархи юқорилигини кўриб тажрибасизлик асосида Европа Иттифоқидаги расмийлаштирув жараёнларини ўрганмасдан, товарлар учун халқаро стандартлар бўйича сертификатлар олмасдан экспорт қилиши натижасида товарларни бозорга кирита олмасдан қайтариб олиб келиш ёки ўша ерда қолдириб келиш ҳолатлари учрамоқда.

Таъкидлаш жоизки, GSP+ бўйича олдиндан рухсат олган мамлакатлар Қирғизистон, Арманистон ва Покистон тажрибаларини таҳлил қиладиган бўлсак, Покистон ҳозирги кунда, Европа Иттифоқига йилига 6 млрд АҚШ доллари миқдоридаги экспортни амалга ошириб ушбу преференциядан унумли фойдаланмоқда. Қирғизистон ва Арманистон эса ушбу берилган имкониятдан унумли фойдалана олишмади ²⁶.

Покистон тажрибаси ўз маҳсулотларини Европа бозорларида реклама қилишга асосланган. Яъни, ҳукумат ёрдами асосида Европанинг кўплаб марказий шаҳарларида Покистон товарларининг кўргазмаси очилган. У ерда импортёр товарларнинг сифатини текшириб кўриши, логистика масалаларини ўрганиши ва нархи тўғрисидаги ҳамда бошқа барча зарур ахборотга эга бўлиши мумкин.

²⁵ https://trade.ec.europa.eu/access-to-markets/en/content/generalised-scheme-preferences-plus-gsp#toc_4

²⁶ <https://kun.uz/ru/news/2021/07/24/gsp-otkrylsya-li-dlya-uzbeksix-tovarov-yevropeyskiy-rynok>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонида мувофиқ экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш белгиланган.

Мазкур натижага эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 6 апрелдаги 97-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга кўра:

2023 йил 1 апрелга қадар юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларини Европа Иттифоқи давлатлари бўйича – 70 %гача, қўшни давлатлар бўйича – 50 %гача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

мувофиқликни баҳолаш органларини халқаро ILAC/IAF ташкилотларида аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан товарлар (махсус товарлардан ташқари), ишлар ва хизматлар экспортини шартнома тузмасдан ҳисобварақ-фактуралар (инвойслар) асосида амалга оширишда талаб этиладиган олдиндан тўлов миқдори 100 %дан 50 %га камайтирилди.

8. GSP+ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ



Ўзбекистон Республикасига GSP+ бенефициари мақомининг берилиши ўз навбатида қуйидаги халқаро конвенцияларни тўла-тўқис бажариш мажбуриятини ҳам юклайди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД

- ☒ Геноцид жиноятининг олдини олиш ва бундай жиноят учун жазо тўғрисидаги Конвенция.
(1948 йил, Ўзбекистон 1999 йил)
- ☒ Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенция.
(1969 йил, Ўзбекистон 1995 йил)
- ☒ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.
(1976 йил, Ўзбекистон 1995 йил)
- ☒ Хотин қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция. (1981 йил, Ўзбекистон 1995 йил)
- ☒ Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турдарига қарши конвенция.
(1987 йил, Ўзбекистон 1995 йил)
- ☒ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.
(1990 йил, Ўзбекистон 1994 йил)

МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД

- ☒ Бирлашмалар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция. (1948 йил, Ўзбекистон 2016 йил)
- ☒ Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида конвенция. (1949 йил)
- ☒ Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция. (1930 йил, баённомаси – 2014 йил, Ўзбекистон 1992 йил, 2019 йил)
- ☒ Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисидаги конвенция. (1957 йил, Ўзбекистон 1997 йил)
- ☒ Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция. (1973 йил, Ўзбекистон 2009 йил)
- ☒ Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги конвенция. (1999 йил, Ўзбекистон 2008 йил)
- ☒ Тенг иш ҳақи тўғрисидаги конвенция. (1951 йил, Ўзбекистон 1992 йил)
- ☒ Дискриминация (ишга ёллашда ва иш жойида) тўғрисидаги конвенция. (1958 йил, Ўзбекистон 1992 йил)

САМАРАЛИ БОШҚАРУВГА ОИД

- ☒ БМТнинг Гиёҳванд моддалар ҳақидаги ягона конвенцияси. (1961 йил, Ўзбекистон 1995 йил)
- ☒ БМТнинг Психотроп моддалар бўйича конвенцияси. (1971 йил, Ўзбекистон 1995 йил)
- ☒ БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши конвенцияси. (1988 йил, Ўзбекистон 1995 йил)
- ☒ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси. (2003 йил, Ўзбекистон 2008 йил қўшилган)

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД

- ✓ Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция. (1973 йил, Ўзбекистон 1997 йил)
- ✓ Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреал протоколи. (1987 йил, Ўзбекистон 1993 йил)
- ✓ Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб ташлаш устидан назорат қилиш тўғрисидаги Базел конвенцияси. (1989 йил, Ўзбекистон 1996 йил)
- ✓ Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция. (1992 йил, Ўзбекистон 1995 йил)
- ✓ БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси. (1992 йил, Ўзбекистон 1993 йил)
- ✓ Биохавфсизлик бўйича Картаген протоколи. (2000 йил, Ўзбекистон 2020 йил)
- ✓ Турғун органик ифлослантирувчи моддалар бўйича Стокгоlm конвенцияси. (2001 йил, Ўзбекистон 2019 йил)
- ✓ БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясига Киото протоколи. (1998 йил, Ўзбекистон 1999 йил)

Мазкур мажбуриятларни бажарилишини Ўзбекистонда долзарб аҳамият касб этувчи экология муаммоларини ҳал этиш бўйича давлат сиёсати мисолида кўриб ўтамиз.

Бугун иқлим ўзгариши инсоният олдида турган энг жиддий муаммо экани жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган. Иқлим ўзгариши инсон ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини

олдини олиш ҳамда янги ҳаёт шaroитларига мослашиш бўйича кечиктирилмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда.

Ўзбекистонда 1880 йилдан то ҳозирги вақтгача бўлган даврда ўртача йиллик ҳарорат 1,6 даража (13, 2 дан 14,8 °C гача) ошди, бу глобал миқёсда кузатилаётган ўртача суръатлардан юқоридир. Мутахассисларнинг прогнозларига

кўра 2030–2050 йилларда минтақада ҳаво ҳарорати яна 1,5–3°Cга кўтарилиши мумкин. Ҳаво ҳароратининг айниқса Орол бўйида кўтарилиши кутилмоқда, бу эса маҳаллий иқлим ўзгаришлари билан янада оғирлашади. Глобал иқлим ўзгариши ва мамлакат табиий-ресурс комплексининг ана шу ўзгаришларга таъсирчанлиги изчил иқлимий сиёсатни шакллантириш заруриятини белгилайди.

Бугунги кунда экологик таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида яшил олами сақлаш ва кўпайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Унга кўра, барча ҳудудларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тадбирлари мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида қуйидагилар лойиҳанинг асосий устувор вазифалари ҳисобланади:



ҳар йили 200 млн. туп дарахт ва бута кўчатларини экиш ва шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш;



дарахтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш;



кўчатхоналар сонини кўпайтириш;



илмий ёндашувлар асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқот ва таҳлилларни амалга ошириш;



ҳудудларда “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни барпо этиш;



дарахтларни суғориш тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш;



ҳар бир дарахтни парвариш қилиш учун масъул бўлган шахсларни белгилаш, бу борада рағбатлантириш механизмларини кенг жорий этиш.

Умуммиллий лойиҳа доирасида амалга оширилган ишларни молиялаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли қарорлари асосида жами 64 млрд 026 млн сўм маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармон ижроси бўйича, республикадаги 46 та давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ўз

худудларидаги дарахтлар сони ва тури ҳақида тақдим этилган маълумотларига кўра 22,4 млн дон дарахтлар хатлови бўйича маълумот шакллантирилиб, парваришlash юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга бириктирилган.

Юқоридаги каби чоралар, умуман халқаро конвенцияларнинг самарали бажарилишини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни нимада деган саволга жавоб олиш муҳим ҳисобланади.

Демак, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўрт йўналишда фаол иштирок этишлари мумкин.

Ушбу функциялар ичида жамоатчилик назорати муҳим аҳамиятга эга. Фаол фуқаролар, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишининг ҳуқуқий асосларини ёритиб ўтамыз.

Жумладан, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этиш;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонунчиликка мувофиқ давлат органларидан сўраб олиш;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш ва бошқалар.

Булар:

- ☒ Тадқиқотлар олиб бориш, маълум муаммоларни ва мажбуриятлар доирасидаги вазифаларни белгилаб, ҳар томонлама ўйланган таклифларни ишлаб чиқиш
- ☒ Очқикли ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш
- ☒ Жамоатчилик назорати
- ☒ Тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари

Жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларини самарали бажариш имкониятларини оширади. Ушбу инструмент барча соҳаларда қонунчиликка амал қилинишини таъминлайди.

ЕВРОПА ИТТИФОКИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР СХЕМАСИ

ТРЕНДЛАР - МОНИТОРИНГ - ТАВСИАЛАР



<http://yumh.uz>



@uzbyuksalish

YUKSALISH
UMUMMILLIY HARAKAT



giz Deutsche Gesellschaft
für Internationale
Zusammenarbeit (GIZ) GmbH

"GSP+ имкониятлари ва талаблари бўйича Ўзбекистонда хабардорликни ошириш
ва салоҳиятни ривожлантириш" лойиҳаси